

**ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.04.2021.В.79.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ОТАКУЛОВ БЕКЗОД НУРИДДИНОВИЧ**

**ҚАШҚАДАРЁ СОҲИЛИ СУВ ТИПЛАРИДА (BIVALVIA: UNIONIDAE,  
PISIDIDAE, EUGLESIDAE, CORBICULIDAE) ИККИПАЛЛАЛИ  
МОЛЛЮСКАЛАР ТАРҚАЛИШИГА АБИОТИК ОМИЛЛАР ТАЪСИРИ**

**03.00.10 – Экология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нукус – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Отакулов Бекзод Нуриддинович**

Қашқадарё соҳили сув типларида (Bivalvia: Unionidae, Pisididae, Euglesidae, Corbiculidae) иккипаллали моллюскалар тарқалишига абиотик омиллар таъсири ..... 3

**Отакулов Бекзод Нуриддинович**

Влияние абиотических факторов на распространение двустворчатых моллюсков (Bivalvia: Unionidae, Pisididae, Euglesidae, Corbiculidae) в разных типах вод берега Кашкадарьи ..... 21

**Отакулов Бекзод Нуриддинович**

Influence of the abiotic factors on distribution bivalve molluscs Bivalvia: Unionidae, Pisididae, Euglesidae, Corbiculidae) in the different types of the bank water's of the Kashkadarya..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 43

**ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.04.2021.В.79.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ОТАКУЛОВ БЕКЗОД НУРИДДИНОВИЧ**

**ҚАШҚАДАРЁ СОҲИЛИ СУВ ТИПЛАРИДА (BIVALVIA: UNIONIDAE,  
PISIDIDAE, EUGLESIDAE, CORBICULIDAE) ИККИПАЛЛАЛИ  
МОЛЛЮСКАЛАР ТАРҚАЛИШИГА АБИОТИК ОМИЛЛАР ТАЪСИРИ**

**03.00.10 – Экология**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Нукус – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В.2020.3.PhD/В491 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация авторсферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.aknuk.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим тармоғида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Боймуродов Хусниддин Тошболтаевич  
биология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** Юнусов Худайназар Бекназарович.  
биология фанлари доктори, профессор

Аметов Якуб Идрисович  
биология фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:** Гулистон давлат университети

Диссертация ҳимояси Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.02/30.04.2021.В.79.01 Илмий кенгашнинг 2021 йил "11" 09 соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлади (Манзил: 230100, Нукус шаҳри, Бердақ шох кўчаси 41, институт кичик мажлислар зали. Тел: (+99861)222-17-44, (+99861) 222-96-72, факс: (+99861) 222-17-44, e-mail: aknuk@mail.uz.

Диссертация билан Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (16 рақам билан рўйхатга олинган).

Диссертация автореферати 2021 йил "8" 09 да тарқатилди.  
(2021 йил 8.09 даги 16 рақамли баённомаси)



Аимбетов Нагмет Каллиевич  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, Академик

Утемуратова Гулширин Нажиматдиновна  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
котиби, б.ф. PhD

Жумамуратов Мырзамурат Ажимуратович  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳондаги малакалогик тадқиқотларнинг табиий ва сунъий сув ҳавзаларининг биологик хилма-хиллигини аниқлаш, антропоген таъсир кучли бўлган ҳудудларда моллюскаларнинг трансформация даражасини баҳолаш, сув экотизимларида тарқалган моллюскаларни инвентаризациялаш, истиқболли турларини аниқлаш, уларни ишлаб чиқаришга ва улардан фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу соҳада, турли континентлар сув экотизимлари малакофаунасининг ҳолати, уларнинг табиий-географик ҳудудларда тарқалиши ва сув экотизимлари хусусиятларига боғлиқ тақсимланиши, камёб ва йўқолиб кетиш арафасида бўлган турларини сақлаб қолиш чораларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунёдаги иқлим ўзгаришлари, антропоген ва экологик омиллар таъсири натижасида табиий сув экотизимларида содир бўлаётган ўзгариш жараёнлари, хусусан, дарё ва сув экотизимларига таъсир этиши натижасида иккипаллали моллюскаларнинг тур таркиби ва тарқалиши, систематикаси, уларни муҳофаза қилиш бўйича кенг кўламли илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада табиий сув ҳавзалари биохилма-хиллигини ўрганиш, фаунистик турлар таркибини рўйхатга олиш, уларнинг мавжуд ҳолатини аниқлаш, моллюскалар тур таркибини сақлаб қолиш, чучук сув ҳавзалари моллюскалари, жумладан, икки паллали моллюскалар популяцияларининг ҳолати ва уларнинг яшовчанлигига тўғридан-тўғри муҳит омилларининг таъсирини таҳлил қилиш, иккипаллали моллюскаларни ҳудудий хилма-хиллиги, таксономик тузилиши ва улардаги ўзгарувчанлик белгиларини, уларнинг сув ҳавзаларига боғлиқ тарқалиш хусусиятларини аниқлаш, сув ҳавзаларидан самарали равишда фойдаланиш ва моллюскаларни камайиб кетишининг олдини олишда илмий асосланган усуллардан фойдаланиш муҳим устуворлик касб этмоқда.

Республикада табиий сув ҳавзаларини биохилма-хиллигини сақлаш ва ўрганиш бўйича амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар асосида Қашқадарё сув экотизимларида Unionidae, Pisididae, Euglesidae ва Corbiculidae оилаларига мансуб иккипаллали моллюскаларнинг замонавий тур таркибини аниқлаш, унга таъсир этувчи абиотик омиллари истиқболли иккипаллали моллюскаларнинг хилма-хиллигини аниқлаш, коллекцияларини ташкил этиш ва иккипаллали моллюскалар ёрдамида оқова сувларни тозалашни амалиётга тадбиқ қилиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиб, муайян илмий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup> “...атроф-муҳит ҳолатига зарар етказадиган муаммоларни олдини олиш, ирригация тармоқлари объектларини ривожлантириш” вазифалари белгилаб берилган. Бу борада Қашқадарё соҳили иккипаллали моллюскаларини ўрганиш, таксономик таҳлил қилиш, уларнинг дарё оқимлари ва мавсумлари давомида экологик

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони.

омиллар таъсири натижасида ўзгариб боришини асослаш ва турлар таркибидаги индикатор-сапроб турлар орқали дарё сувининг экологик-санитария ҳолатига баҳо бериш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 сентябрдаги “Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3286-сон Қарори, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 19-сентябрдаги 408-сон “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдалагиш тўғрисида”ги Қонуни, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикада иккипаллали моллюскаларнинг турли сув ҳавзаларида тарқалиши, морфологияси ва ресурсларига оид маълумотлар етарли эмаслигини айтиш жоиз. Бу ҳақидаги маълумотлар фақатгина З.И.Иззатуллаев (1992, 2010, 2018, 2019), Х.Т.Боймуродов (2009, 2012, 2017, 2019) тадқиқотларида Ўзбекистондаги айрим сув ҳавзаларида маълум турлар тўғрисидаги маълумотларнигина учратиш мумкинлиги ўз аксини топган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари олимларидан V.V.Bogatov, Ya.I.Starobogatov (2004), V.V.Bogatov (2014), Н.И.Андреев ва бошқалар (2009) иккипаллали моллюскаларни ҳудудий хилма-хиллиги, таксономик тузилиши ва улардаги ўзгарувчанлик белгиларини аниқлаш бўйича, Г.П.Алёхина ва бошқалар (2007), V.F.Panov et. al. (2009), М.О.Сон (2009), Л.Н.Янович (2013); популяция ҳолатларини баҳолаш ва глобал инвазион турларининг тарқалиши ҳақида, А.Л.Рижинашвили (2009), А.В.Синтюрина, А.Б.Бигалиев (2009), Д.В.Кузменкин (2015)лар томонидан иккипаллали моллюскаларни сувни ифлосланганлик даражасини аниқлашдаги аҳамияти бўйича кўплаб илмий изланишлар олиб борилган.

Хорижий олимлардан James H.Thorp, (2011), Alanp Covich (1991), D.C.Aldridge (1999), P.Bouchet (2017), Huber Markus (2010), A.F.Bogan (2010), Annabelle Cuttelod et al. (2011)лар томонидан дарёлар соҳили иккипаллали моллюскаларининг ҳудудий тур таркиби ва тарқалиши, систематикаси, уларни муҳофаза қилиш бўйича илмий ишлар ва Maria Haws (2002), Mamangkey NGF et al.(2009), S.Rahayu et al. (2009), Sata Yoshida Srie Rahayu et al. (2013) томонидан иқтисодиёт тармоқларида, хусусан, сунъий сув ҳавзаларида улардан марварид етиштириш бўйича тадқиқотлар олиб борилган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг 4Ф.4.1.7 «Ўзбекистон моллюскаларининг биологик хилма-хиллиги» фундаментал (2003-2007 йй.), 9.0.11 «Ўзбекистон катта иккипаллали моллюскаларининг биологик хилма-хиллиги ва улардан марварид етиштириш технологиялари» (2009-2011 йй.) мавзуларидаги амалий лойиҳалари доирасида ва Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот режасининг «Самарқанд давлат университетининг 2017-2030 йилларда «илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва илмий салоҳиятни оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар дастури», доирасида (2014-2020 йй.) бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Қашқадарё соҳили сув типларида (*Bivalvia: Unionidae, Pisididae, Euglesidae, Corbiculidae*) иккипаллали моллюскалар тарқалишига абиотик омиллар таъсирини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Қашқадарё соҳили сув типларида *Bivalvia* синфи *Unionidae, Corbiculidae, Pisididae* ва *Euglesidae* оилалари турлар таркиби, тарқалиши ва экологиясини аниқлаш;

сув экотизимларида иккипаллали моллюскаларнинг биотопларда тарқалишига абиотик омиллар таъсирини аниқлаш;

сув ҳарорати, тиниқлиги ва оқим тезлигининг иккипаллали моллюскалар тарқалиши ва экологик гуруҳларига таъсирини таҳлил қилиш;

сув экотизимлари сувларнинг гидрокимёвий таркиби ва минералланиш даражаларининг иккипаллали моллюскалар тарқалишига таъсирини аниқлаш;

дарё соҳили эндемик ва ноёб турлар популяцияларига сув гидрокимёвий кўрсаткичларининг таъсири, индикатор-сапроб турлардан сувнинг сифатини баҳолашда фойдаланишни таҳлил қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Қашқадарё соҳили табиий ва сунъий сув ҳавзаларида тарқалган *Bivalvia* синфи *Unionidae, Pisididae, Euglesidae* ва *Corbiculidae* оилаларининг 19 тури ва 2 кенжа тури олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни Иккипаллали моллюскаларнинг табиий сув экотизимларида тарқалиши, зичлиги, абиотик омиллар таъсири ҳамда уларнинг биоиндикаторлик хусусиятларини аниқлашни ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацион тадқиқотни бажаришда экологик (табиий сув объектларини мониторинг қилиш), зоологик (чиғаноқ катталигини аниқлаш, чиғаноқ ўлчамларини олиш, чиғаноқ баландлиги, чиғаноқ узунлиги, чиғаноқ кенглиги, чиғаноқ ўзгарувчанлигини ўрганиш), малакологик (морфометирик кўрсаткичларнинг статистик таҳлил қилиш), статистик (Excel ва STATISTICA) ва қиёсий таҳлил усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Қашқадарё сув экотизимларида *Unionidae, Pisididae, Euglesidae* ва *Corbiculidae* оилаларига мансуб иккипаллали моллюскаларнинг 19 та тур

ва 2 кенжа турдан иборат рўйхати тузилган, уларнинг Қашқадарё, Яккабоғдарё, Танхоздарё, Ғузордарё ва Оқсувдарё сув экотизимлари биотоплаида тарқалиши, зичлиги ва экологик гуруҳлари аниқланган;

илк бор дарёларда *Unionidae*, *Pisididae*, *Euglesidae*, *Corbiculidae* оилалари турларининг тарқалиши ва зичлигига абиотик омиллар: сув оқим тезлиги, лойқалиги, тиниқлиги, сув температураси, гидрокимёвий таркиби ва минералланиши таъсири аниқланган;

камёб ва эндем моллюскалар биологик ёш гуруҳларининг популяцияларига сув экотизимларидаги абиотик омиллар таъсири аниқланган;

дарёларнинг гидрологик режими ва абиотик омилларига боғлиқ ҳолда уларда иккипаллали моллюска турларининг тарқалиши, тақсимланиши очиб берилган ҳамда иккипаллали моллюскаларнинг индикаторлик хусусиятлари аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

моллюскалар популяциялари ўрганилган бу маълумотлар эндем ва камёб турларни сақлаб қолиш ҳамда муҳофаза қилиш чора-тадбирлари ишлаб чиқиш учун бошланғич маълумотлар мажмуаси ҳисобланган;

табиий сув экотизимларида: дарё, булоқ ва чашма ва кўлларда иккипаллали моллюскаларнинг тур таркиби аниқланган, бу маълумотлар асосида сув экотизимлари биологик хилма-хиллигини сақлаб қолиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

иккипаллали моллюскаларнинг индикаторлик хусусиятлари орқали сувларнинг сифатини, ифлосланганлик даражаси аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқот ишида қўлланилган малакологик ва гидрологик усул ва ёндошувлар асосида олинган тажриба натижаларини назарий маълумотларга мос келиши, морфометрик маълумотларни Biostat-3.8 дастурлари асосида статистик таҳлил қилинганлиги, диссертация амалий натижаларини етакчи хорижий журналларда чоп этилганлиги ҳамда ишлаб чиқилган тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти макрозообентослар ичида муҳим аҳамиятга эга бўлган иккипаллали моллюскаларнинг (*Bivalvia: Unionidae, Pisididae, Euglesidae* ва *Corbiculidae*) тур таркибининг аниқланганлиги ва моллюскаларни табиий сув экотизимларида тарқалиш хусусиятлари очиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, индикатор иккипаллали моллюскалар сувнинг органик ифлосланганлик даражасини аниқлашда асос бўлиб, турларни сақлаб қолиш ҳамда муҳофаза қилиш чора-тадбирлари ишлаб чиқишда хизмат қилишлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистон жануби Қашқадарё соҳили сув ҳавзаларида иккипаллали моллюскаларнинг



тарқалиши ва улардан иқтисодиёт тармоқларида фойдаланиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Қашқадарё соҳили сув типларида тарқалган эндем ва ноёб тур сифатида “Қизил китоб”га киритилган *Colletopterum bactrianum*, *C. cyreum sogdianum* *Corbicula cor* лар популяцияларининг ҳолати ва уларни муҳофаза қилиш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси амалиётида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2020 йил 13 октябрдаги 04-02/8-945-сон маълумотномаси). Натижада, ҳудудлардаги сув режимларини мавсумий бошқариш орқали ноёб турлар тарқалган биотопларни муҳофаза қилиш ва популяцияларини сақлаб қолиш имконини берган;

икки паллали моллюскаларнинг сапроблик хусусияти асосида сув экотизимларининг тозалик даражасини аниқлаш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар №ҚХ-А-ҚХ-2018-196 “Тошкент вилояти шароитида оқар сув ҳавзаларида товар форель балиқларини етиштириш технологияси” мавзусидаги лойиҳада балиқ етиштирилувчи ҳавзаларнинг органик ифлосланиш даражасини аниқлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 29 сентябрдаги 89-03-3582-сон маълумотномаси). Натижада, иккипаллали моллюскаларнинг тарқалиши, экологияси, балиқлар интенсив кўпайтирилувчи ҳавзаларнинг сапроблик даражасини тезкор аниқлаш ва сув сифатини баҳолаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та ҳалқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 та республика ва 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 107 бетни ташкил этади.


## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, мақсади ва вазифалари асосланган, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Қашқадарё соҳили табиати ва иккипаллали моллюскалар тарқалишига абиотик омиллар таъсирининг ўрганилиши» деб номланган биринчи бобида иккипаллали моллюскаларнинг ўрганилиш тарихи ва тажриба ўтказиш жойи ва қўлланиш услублари ҳақида маълумотлар келтирилган.

З.И.Иззатуллаев (1978, 1980, 1985, 1995, 2014, 2016, 2020); З.И.Иззатуллаев, Ҳ.Т.Боймуродовлар (2019, 2015, 2019, 2020) Ўрта Осиё ва Ўзбекистон сув экотизимларида моллюскаларнинг тарқалишини ўрганган илмий изланишлари келтирилган.

Иккипаллали моллюскаларни ўрганиш бўйича мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатларида В.И.Жадин (1948,1952), А.Ф.Алимов (1981), Я.И.Старобогатов, З.И.Иззатуллаев (1984), З.И.Иззатуллаев (1980, 1992, 2001, 2014), С.И.Андреева (2006), С.И.Андреева, Н.И.Андреев, А.Н. Красногорова (2008, 2009), Ф.Э.Рубинова, Ю.Н.Иванов (2005) каби олимларнинг илмий тадқиқот ишларида келтирилган.



**1-расм. Қашқадарё соҳили сув экосистемаларидан материаллар терилган жойлар**

Тур популяцияларининг тарқалиши ва зичлигига сезиларли таъсир кўрсатувчи муҳитнинг асосий абиотик омилларидан сув ҳарорати, шўрлиги, рН даражаси, кислород ва кальций концентрацияларини кўрсатиш мумкин. Маълумки моллюскалар 0°С дан 30°С гача ораликдаги ҳароратга чидайдди. 10°С дан паст ҳароратда унинг ўсиши ва ривожланиши тўхтайдди.

Диссертациянинг «Қашқадарё соҳили иккипаллали моллюскаларининг (*Bivalvia: Unionidae, Pisididae, Euglesidae Corbiculidae*) экологик-таксономик таҳлили» деб номланган иккинчи бобида *Unionidae, Corbiculidae, Kuiperipisidium* ва *Euglesidae* оилаларига мансуб турларнинг таркиби, морфологияси, экологияси, уларнинг дарёларда, булок, чашмаларда ва қўлларда тарқалиш хусусиятлари тўғрисида маълумотлар баён қилинган. Дарё соҳили сув типларида иккипаллали

моллюскаларнинг 4 оила ва 6 та уруғига тааллуқли 19 тури ва 2 кенжа турининг яшаши аниқланди. Қуйида уларнинг эколого-таксономик тавсифи келтирилган.

**Bivalvia Linne 1758 синфи<sup>2</sup>**

**Unioniformes Stoliczka, 1871 туркуми**

**Unionidae Rafinesque, 1820 оиласи**

**Sinanodonta Modell, 1944 уруғи<sup>3</sup>**

1. *Sinanodonta gibba* (Benson, 1895)<sup>3</sup>
2. *Sinanodonta puerorum* (Heude, 1880)<sup>3</sup>
3. *Sinanodonta orbicularis* (Heude, 1880)<sup>3</sup>

**Colletopterum Bourguignat, 1881 уруғи**

Colletopterum s.str. кенжа уруғи

4. *Colletopterum (C.) bactrianum* (Rolle, 1897)<sup>3</sup>
- Ponderosiana Bourguignat, 1881 кенжа уруғи*
5. *Colletopterum (P.) cyreum sogdianum* (Kobelt, 1896)
6. *Colletopterum (P.) ponderosum volgense* (Shadin, 1938)

**Euglesidae Pirogov et Starobogatov, 1974 оиласи**

**Euglesa Leach in Jenyns, 1832 (in suni) Leach ,1855 (gen. valid.) уруғи**

7. *Euglesa hissarica* (Izzatullaev et Starobogatov, 1985)<sup>3</sup>
8. *Euglesa turkestanica* (Izzatullaev, 1974)<sup>3</sup>
9. *Euglesa obliquata* (Clessin in Martens, 1874)
10. *Euglesa (P.) heldreichi* (Clessin, 1874)

**Pseudeupera Germain, 1913 уруғи**

11. *Pseudeupera turanica* (Clessin in Martens, 1874)

**Luciniformes Stoliczka, 1871 туркуми**

**Pisididae Gray in Turton, 1857 оиласи**

**Kuiperipisidium Kuiper, 1962 уруғи**

Kuiperipisidium Izzatullaev et Starobogatov, 1996 кенжа уруғи

12. *Kuiperipisidium (K.) terekense* (Izzatullaev et Starobogatov, 1986)<sup>3</sup>
13. *Kuiperipisidium (K.) issykkulense* (Izzatullaev et Starobogatov, 1986)<sup>3</sup>
14. *Kuiperipisidium (K.) sogdianum* (Izzatullaev et Starobogatov, 1986)
15. *Kuiperipisidium (K.) polytimeticum* (Izzatullaev et Starobogatov, 1986)

Kuiperipisidium s.str кенжа уруғи

16. *Kuiperipisidium (K.) behningi* (Izzatullaev et Starobogatov, 1986)

**Cardiiformes Ferussac, 1821 туркуми**

**Corbiculidae Gray, 1847 оиласи**

**Corbicula Meqerle, 1811, уруғи**

17. *Corbicula cor* (Lamarck, 1818)
18. *Corbicula fluminalis* (O.F. Miiller, 1774)
19. *Corbicula purpurea* (Prime, 1864)

**Corbiculina Dall , 1903 уруғи**

---

<sup>2</sup>Биз ушбу таксономик системани тузишида З.И.Иzzатуллаевнинг (2019) «Ўрта Осиё ва унга ёндош майдонларнинг сув экосистемалари моллюскалари фаунаси» ва А.В.Корнюшиннинг (1996) «Палеарктиканинг Pisidioideалари системаси»дан фойдаландик.

<sup>3</sup>Қашқадарё дарёси соҳили фаунаси учун янги уруғ ва турлар.

20. *Corbiculina tibetensis* (Prashad, 1929)

21. *Corbiculina ferghanensis* (Kursalova et Starobogatov, 1971).

Диссертациянинг “Қашқадарё соҳилида табиий сув экотизимларида иккипаллали моллюскаларнинг тарқалишига абиотик омиллар таъсири” деб номланган учинчи бобида иккипаллали моллюскаларнинг табиий сув экотизимларида: дарёларда, кўлларда, булоқ ва чашмаларда тарқалишига абиотик омилларнинг таъсири таҳлил қилинган.

Қашқадарё сув экотизимларида иккипаллали моллюскаларининг Unionidae, Pisididae, Euglesidae ва Corbiculidae оиласи вакиллари 6 уруғи, 19 тур ва 2 кенжа тур тарқалганлиги аниқланди (1-жадвал).

Қашқадарёда 12 тур ва 2 кенжа тур, Яккабоғдарёсида 11 тур, Танхоздарёда 6 тур ва 1 кенжа тур, Ғузардарёда 8 тур ва 1 кенжа тур, Оқсувдарёда 6 тур тарқалганлиги аниқланди. Улардан 9 тур пелореофил, 2 тур реофил, 5 тур пелолимнофил ва 5 тур кренофил экологик гуруҳларига мансублиги ўрганилди.

Қашқадарё соҳилида табиий сув экотизимларида абиотик омилларнинг иккипаллали моллюскалар эмбрионлари сонига ва ҳаётий циклларининг хусусиятларига боғлиқлиги, уларнинг тоза сув экосистемаларининг ҳолатини баҳолашда муҳим аҳамиятга эга. Corbiculidae оиласига кирувчи *Corbicula* уруғи турлари тухум қўйувчи, *Corbiculina* уруғи турлари эса тирик туғувчиларга кириши ўрганилди. Дарё сувининг оқим тезлиги ўрта қисмида 0,35-0,45 м/сек. ва қуйи қисмида 0,25-0,30 м/сек. бўлган худудлари, Қашқадарё ва Ғузордарё қайирларидан терилган *Corbiculina ferghanensis* турининг чиғаноқларини (ЧУ-21,8 ва ЧБ-24,2 мм) лаборатория шароитида ўрганганимизда, унинг чиғаноқлари ичидан бир неча ўндан ортиқ жуда кичик чиғаноқларни олдик. Тухум қўйувчи турлар эса март-апрел ойларида, асосан сув ҳарорати 14-22°C бўлган вақтда Қарши магистрал канали ва Чимкўрғон, Пачкамар сув омборларидан терилди.

Қашқадарёда сув экотизимларидаги абиотик омиллар таъсирида иккипаллали моллюскаларнинг 3 хил экологик гуруҳлари ҳосил бўлган, оқар сувлар лойларида пелореофилларнинг 9 тури (*Corbicula cor*, *C. purpurea*, *C. fluminalis*, *Corbiculina tibetensis*, *C. ferghanensis*, *Sinanodonta gibba*, *S. puerorum*, *S. orbicularis*, *Euglesa heldreichi*) тарқалган, улар жами моллюскаларнинг 66,6 % ташкил этади. Оқар сувларда реофилларнинг 2 турини (*Colletopterum cyreum sogdianum*, *C. bactrianum*) кўрсатиш мумкин улар 16,7% ни, сувости балчиқларида пелолимнофил 3 тур (*Euglesa hissarica*, *E. turcestanica*, *Euglesa turanica*) тарқалган бўлиб улар 16,7% ни ташкил этишини аниқладик. Ўрганилган турлар тарқалиши бўйича дарё сув экотизимларига кенг доирада мослашган ва тарқалган эврибионт 9 та тур (*Corbicula cor*, *C. purpurea*, *C. fluminalis*, *Corbiculina tibetensis*, *C. ferghanensis*, *Euglesa hissarica*, *E. turcestanica*, *Euglesa heldreichi* ва *Euglesa turanica*) ва кичик доирада мослашган ва тарқалган стенабионт 5 тур (*Sinanodonta gibba*, *S. puerorum*, *S. orbicularis*, *Colletopterum cyreum sogdianum*, *C. bactrianum*) аниқланди.

**Қашқадарё соҳили дарёларида иккипаллали моллюскаларнинг тарқалиши ва экологик гуруҳлари (м<sup>2</sup>/дона. n=10)**

№	Оила ва турлар	Қашқадарё	Яккабоғдарё	Танхоздарё	Ғузордарё	Оқсувдарё	Биотоп лари			Экологик гуруҳлари
							Тошлоқ	Қумлоқ	Лойлар	
	Unionidae оиласи									
1	<i>Sinanodonta gibba</i>	1,1±0,5	0,8±0,4	0,7±0,1	0,8±0,1	-	-	-	+	Пелореофил
2	<i>Sinanodonta orbicularis</i>	1±0,3	0,9±0,2	-	0,7±0,2	-	-	-	+	Пелореофил
3	<i>Sinanodonta puerorum</i>	0,8±0,2	0,7±0,2	-	0,6±0,1	-	-	-	+	Пелореофил
4	<i>Colletopterum bactrianum</i>	0,5±0,1	-	-	-	-	-	-	+	Реофил
5	<i>Colletopterum cyreum sogdianum</i>	1,2±0,1	-	0,8±0,4	-	-	-	-	-	Реофил
6	<i>Colletopterum ponderosum volgense</i>	-	-	-	0,5±0,1	-	-	-	+	Пелолимнофил
	Euglesidae оиласи									
7	<i>Euglesa hissarica</i>	3,1±0,5	1,3±0,6	1,5±0,4	-	-	-	+	-	Пелолимнофил
8	<i>Euglesa heldreichi</i>	1,2±0,3	-	-	-	-	-	+	+	Пелореофил
9	<i>Euglesa turkestanica</i>	3,2±0,4	1,8±0,3	-	1,2±0,4	-	-	+	+	Пелолимнофил
10	<i>Euglesa obliquata</i>	-	1,4±0,4	1,7±0,6	-	-	-	+	-	Пелолимнофил
11	<i>Euglesa turanica</i>	1,4±0,4	-	-	-	-	-	+	-	Пелолимнофил
	Pisididae оиласи									
12	<i>Kuiperipisidium terekense</i>	-	-	-	-	2,1±0,6	+	+	-	Кренофил
13	<i>Kuiperipisidium issykkulense</i>	-	-	-	-	2,2±0,4	-	+	+	Кренофил
14	<i>Kuiperipisidium sogdianum</i>	-	-	-	1,4±0,4	-	+	+	-	Кренофил
15	<i>Kuiperipisidium polytmeticum</i>	-	-	-	-	1,7±0,3	+	+	-	Кренофил
16	<i>Kuiperipisidium behningi</i>	-	-	-	-	-	-	-	-	Кренофил
	Corbiculidae оиласи									
17	<i>Corbicula cor</i>	2,7±0,3	2,1±0,2	-	-	-	+	+	-	Пелореофил
18	<i>Corbicula fluminalis</i>	2,3±0,4	1,6±0,4	-	-	1,1±0,2	+	-	-	Пелореофил
19	<i>Corbicula purpurea</i>	2,2±0,2	1,3±0,2	1,6±0,6	1,1±0,3	-	+	-	-	Пелореофил
20	<i>Corbiculina tibetensis</i>	3,7±0,4	3,2±0,6	2,4±0,4	1,5±0,6	2,1±0,4	+	+	-	Пелореофил
21	<i>Corbiculina ferghanensis</i>	3,2±0,2	3,3±0,4	2,6±0,5	1,7±0,5	1,9±0,2	+	+	-	Пелореофил
	<b>Жами:</b>	14	11	7	9	6	8	13	9	

Оқим тезлигининг ўртача кўрсаткичлари бош қисмида 0,65-0,70 м/сек, ўртасида 0,35-0,45 м/сек қуйида 0,25-0,30 м/сек.

Қашқадарёнинг ўрта оқимида хитой тишсизлари – *Sinanodonta gibba*, *S. puerorum* ва *S. orbicularis*лар учраши аниқланди ва ҳавза учун биринчи марта кўрсатилди. Бу турлар дарёнинг ўрта оқими сувларида – Чимқўрғон ва

Қарши шаҳри атрофидаги ҳудудларида лой босган, балчиқ жойларда ярим кўмилган ҳолда яшайди, улар 1-1,5 м чуқурликларда сув ўтлари кўп бўлган биотопларда 1 м<sup>2</sup> жойда ўртача 0.9-1 тадан тарқалган биотоплари аниқланди. Бу ҳудудда *Sinanodonta* уруғи турлари мавжудлиги бевосита иқлимлаштирилган балиқ турлари билан боғлиқдир. Дарёнинг қуйи қисмида ушбу турларнинг учрамаслиги кузатилди. Булар, албатта, дарё сув сатҳининг кескин пасайиб кетиши билан боғлиқ.

Қашқадарёда тарқалган турлардан *Colletopterum cyreum sogdianum*, *C. bactrianum* дарёнинг ўрта қисмида 1 м<sup>2</sup> жойда ўртача 1,2 тадан тарқалган, қуйи қисмида эса 1 м<sup>2</sup> жойда ўртача 0,8 тагача учрайди. Қашқадарёда *Colletopterum* уруғининг *Colletopterum ponderosum volgense* тури учрамайди. Дарёнинг ўрта оқими – Қарши, Пачкамар ва Чимкўрғон ҳудудларида *Corbicula cor*, *C.purpurea*, *C.fluminalis*, *Corbiculina tibetensis* ва *C.ferghanensis* турлари тошлоқ ва қумлоқ ерларда тарқалган бўлиб, уларнинг ўртача зичлиги 1 м<sup>2</sup> жойда ўртача 2,2-3,6 тадан учрайди. Дарёнинг қуйи қисмида ушбу турлардан *Corbiculina tibetensis* тури қумлоқ ерларда зичлиги 1 м<sup>2</sup> майдонда 2,2 ни ташкил этади.

Яккабоғдарёсида иккипаллали моллюскаларнинг 2 хил биотопларида: сувости балчиқларида–пелолимнофил 3 тур (*Euglesa hissarica*, *E.turkestanica*, *E.obliquata*), оқар сувлар лойларида–пелореофилларнинг 8 тури (*Corbicula cor*, *C. purpurea*, *C.fluminalis*, *Corbiculina tibetensis*, *C.ferghanensis*, *Sinanodonta gibba*, *S. puerorum*, *S.orbicularis*) яшайди. Сув экотизимларида пелолимнофиллар 27,2 % ни ва пелореофиллар 72,8 % ни ташкил қилади. Иккипаллали моллюскалар дарёга нисбатан унинг атрофидаги ҳовузлар кичик кўлларда зичлиги юқорилиги билан ажралиб туради. Ўрганилган турлар тарқалиши бўйича дарё сув экотизимларига кенг доирада мослашган ва тарқалган эврибионт 8 та тур (*Corbicula cor*, *C. purpurea*, *C.fluminalis*, *Corbiculina tibetensis*, *C.ferghanensis*, *Euglesa hissarica*, *E.turkestanica*, *E.obliquata*) ва кичик доирада мослашган ва тарқалган стенабионт 3 тур (*Sinanodonta gibba*, *S. puerorum*, *S.orbicularis*) аниқланди.

Тадқиқотларимиз натижасида булоқ ва чашмаларда Шўробсойда 6 та, Макридсойда 7 та, Оёқчисойда 9 та, Лангарсойда 5 та ва Қалқаминсойда 4 та *Euglesidae* ва *Pisididae* оиласига мансуб иккипаллали моллюскалар тарқалганлиги аниқланди, ушбу турлар ҳудуд булоқ ва чашмаларидан биринчи марта кўрсатилмоқда. Булоқ ва чашмалар сув экотизимларида *Unionidae* ва *Corbiculidae* оиласига кирувчи турлар учрамайди. Қашқадарё соҳили кўлларида ўрганиш натижасида қуйидаги хулосаларга келдик: Сечанкўлда 6 тур ва 1 кенжа тур, Аланкўлда 3 тур ва Ачинкўлда 5 тур ва 1 кенжа тур тарқалганлиги маълум бўлди. Қашқадарё ҳавзасида табиий сув ҳавзаларида иккипаллали моллюскаларнинг тарқалиши ва фаунасининг шаклланиши сунъий сув ҳавзалари, каналлар билан боғлиқ бўлиб, улар моллюскаларнинг сув ҳавзалариаро тақсимланишининг манбаси ва йўли ҳисобланади.

Диссертациянинг “Қашқадарё соҳили сув экотизимларида иккипаллали моллюскалар тарқалишига сув муҳити омилларининг

**таъсири ва индикатор сапроб турларидан сув сифатини баҳолашда фойдаланиш”** деб номланган тўртинчи бобида дарё соҳили сув экотизимларида иккипаллали моллюскалар тарқалишига сув муҳити омилларининг таъсири ва индикатор сапроб турларидан сув сифатини баҳолашда фойдаланиш бўйича маълумотлар ўз аксини топган.

Қашқадарё соҳилида 1000-1200 м.дан 2700-2800 м.гача бўлган тоғ минтақаси сув экотизимлари булоқ ва чашмаларида Pisididae оиласи *Kuiperipisidium* уруғидан *Kuiperipisidium terekense*, *Kuiperipisidium issykkulense*, *Kuiperipisidium sogdianum*, *Kuiperipisidium polytimeticum*, *Kuiperipisidium behningi* ва Euglesidae оиласи *Euglesia* уруғидан *Euglesa hissarica*, *Euglesa heldreichi*, *Euglesa turkestanica*, *Euglesa obliquata*, *Euglesa turanica* турлари учрашини аниқладик. Бу турларнинг тарқалишига абиотик омил сифатида сув температураси ва оқим тезлиги максимал даражада ўз таъсирини кўрсатади. Сув температураси ўртача +4°C дан 14°C, сувнинг оқим тезлиги 0,78-0,89 м/сек. ташкил этади. Бу ҳудудда Pisididae оиласи *Kuiperipisidium terekense* ва *Kuiperipisidium issykkulense* лар 1 м<sup>2</sup> жойда ўртача 3-5 тадан учрайдиган биотоплари мавжуд. Ушбу баландликдаги булоқ ва чашмаларда Euglesidae оиласига мансуб *Euglesa hissarica*, *E.turkestanica* ва *E.obliquata* 1м<sup>2</sup> жойда ўртача 2-4 тадан тарқалганлигини аниқладик.

Қашқадарё соҳили адир минтақаси океан сатҳидан 400-500 м дан 1000-1200 м гача бўлган баландликларни ўз ичига олади. Минтақада сувлар ҳарорати ўртача 8°C дан 22°C гача бўлиши кузатилди. Иккипаллали моллюскалар тарқалишида, ривожланишида муҳим ўрин тутадиган сув оқим тезлиги 0,55-0,62 м/сек., сув тиниклиги 0,32-0,40 м ни ташкил этади. Адир минтақаси сувларида Unionidae, Pisididae, Euglesidae ва Corbiculidae оилаларига мансуб 19 тур ва 2 кенжа тур иккипаллали моллюскалар тарқалган. Қашқадарёнинг адир минтақаси кумлоқ биотопларида Corbiculidae оиласидан *Corbicula cor*, *Corbicula fluminalis*, *Corbicula purpurea*, *Corbiculina* уруғи, *Corbiculina tibetensis*, *Corbiculina ferghanensis* турлар тарқалган.

Қашқадарё ҳудудида чўл минтақаси 400-500 м баландликгача бўлган жойларни ўз ичига олади. Бу минтақага Қашқадарёнинг қуйи қисми киради. Бу қисмда сув ҳарорати 18-26°C гача, оқим тезлиги 0,25-0,30 м/сек бўлишини аниқладик. Бу минтақада 1 оила 2 уруғга мансуб 4 та тур *Corbicula fluminalis*, *Corbicula purpurea*, *Corbiculina tibetensis*, *Corbiculina ferghanensis* тарқалган.


Қашқадарё хавзаси сувларининг ҳам табиий ва антропоген омиллар таъсирида гидрокимёвий кўрсаткичлари ўзгариши кузатилмоқда, бу турлар тарқалишига ўз таъсирини кўрсатади. Қашқадарёнинг (Чимкўрғон сув омбори яқинидан) 13 та, Қашқадарё (Ғузордарёси қуйиладиган қисмида) 9 та, Қарши шаҳридан кейинги қисмида 4 та ва Муборак ҳудудида 2 та тур тарқалганлиги ўрганилди (2- жадвал).

Қашқадарё соҳилида тарқалган “Қизил китоб”га киритилган иккипаллали моллюскалар популяцияларда ёши ва зичлигига сув гидрокимёвий кўрсаткичларининг таъсири таҳлил қилинди (3-жадвал, 2,3,4-расмлар).


**Қашқадарё соҳили сувларининг гидрокимёвий кўрсаткичларининг  
иккипаллали моллюскалар тарқалишига таъсири, мг/л (2018, 2020 й)**

№	Ўрганилган худуд	O <sub>2</sub> кислород микдори	Нефт ва нефт маҳсу- лотлари	Фенол	Хло- рид (Cl)	Сувнинг минерал- лашуви	Турлар сони	Турлар номи
	РЭМ	Қ-4 Ё-6	0,05	0,001	300,0	1000,0		
1	Қашқадарё (Чимқўрғон сув омбори яқинида)	5,2	0,03	0,001	272	810	13	<i>Sinanodonta gibba</i> , <i>S. orbicularis</i> , <i>S.</i> <i>puerorum</i> , <i>Colletopterum</i> <i>bactrianum</i> , <i>C. cyreum</i> <i>sogdianum</i> , <i>Euglesa hissarica</i> , <i>E. heldreichi</i> , <i>E.</i> <i>turkestanica</i> , <i>Corbicula cor</i> , <i>C.</i> <i>fluminalis</i> , <i>C. purpurea</i> , <i>Corbiculina</i> <i>tibetensis</i> , <i>C.</i> <i>Ferghanensis</i>
2	Қашқадарё (Ғузордарё қуйилиш қисми)	4,1	0,04	0,001	292	981	9	<i>Sinanodonta gibba</i> , <i>S. orbicularis</i> , <i>S.</i> <i>puerorum</i> , <i>Colletopterum</i> <i>cyreum sogdianum</i> , <i>Corbicula cor</i> , <i>C.</i> <i>fluminalis</i> , <i>C. purpurea</i> , <i>Corbiculina</i> <i>tibetensis</i> , <i>C.</i> <i>ferghanensis</i>
3	Қашқадарё (Қарши шаҳридан ўтгандан кейин)	3,4	0,05	-	304	1022	4	<i>Sinanodonta gibba</i> , <i>S. orbicularis</i> , <i>Corbiculina</i> <i>tibetensis</i> , <i>C.</i> <i>ferghanensis</i> .
4	Муборак (Қашқадарён инг қуйи қисми)	3,1	0,06	0,002	361	1222	2	<i>Corbiculina</i> <i>tibetensis</i> , <i>C.</i> <i>ferghanensis</i> .






2-расм. *Colletopterus bactrianum* популяцияларда ёши ва зичлигига гидрокимёвий кўрсаткичларнинг таъсири



3-расм. *Colletopterus cyreum sogdianum* популяцияларда ёши ва зичлигига гидрокимёвий кўрсаткичларнинг таъсири



4-расм. *Colletopterus bactrianum* популяцияларда ёши ва зичлиги

**Қашқадарё соҳилида тарқалган “Қизил китоб”га киритилган иккипаллали моллюскалар популяцияларда ёши ва зичлигига сув гидрокимёвий кўрсаткичларининг таъсири ( $m^2/дона.n=10$ )**

№	Моллюска турлари	Чимқўрғон сув омбори (Чимқўрғон қ.) худуди						Қарши шахридан чиқиш (Бешкент қ.) худуди							
		Сувнинг таркиби			Ёши ва зичлиги $m^2$			Сувнинг таркиби			Ёши ва зичлиги $m^2$				
		O <sub>2</sub> (кислород) м/г	Cl <sub>2</sub> (хлор) м/г	Минерал ланиши м/г	2-3	4-5	6-7	8-9	O <sub>2</sub> (кислород) м/г	Cl <sub>2</sub> (хлор) м/г	Минерал ланиши м/г	2-3	4-5	6-7	8-9
1	<i>Colletopterum bactrianum</i>	4,8	262	870	0,8±0,4	0,7±0,3	0,5±0,2	0,3±0,2	5,9	297	1010	0,4±0,1	0,5±0,1	0,8±0,2	0,9±0,1
2	<i>Colletopterum cyreum sogdianum</i>				2,4±0,3	2,2±0,3	1,2±0,2	0,9±0,1				0,6±0,1	0,7±0,1	0,9±0,2	1,1±0,3
3	<i>Corbicula cor</i>				2,4±0,4	1,8±0,2	-	-				0,5±0,2	0,9±0,1	-	-
4	<i>Corbicula purpurea,</i>				2,8±0,3	1,6±0,2	-	-				0,9±0,1	1,3±0,2	-	-
5	<i>Corbicula fluminalis</i>				2,6±0,3	1,2±0,1	-	-				1,1±0,1	1,4±0,3	-	-
	РИМ	Қ-4 Ё-6	300	1000					Қ-4 Ё-6	300	1000				

Қашқадарё ҳавзасида 19 тур ва 2 кенжа тур биринчи марта индикатор сифатида кўрсатилди (4-жадвал). Қашқадарё соҳили сув типлари К-катаробли, тоза сувда яшовчи, О-олигосапробли-ўртача ифлос, β-мезосапробли, ифлосланган, α-мезосапробли ифлос сувларда яшовчи турлар тарқалган.

#### 4-жадвал

#### Қашқадарё соҳилидаги сув типларида учрайдиган индикатор иккипаллали моллюскаларнинг систематик таркиби

Т/р	Моллюскалар турлари	Булоқлар	Чашма ва булоқлардан оқиб чиққан ариқлар	Дарёлар	Кўллар	Сувларнинг сифатини кўрсатувчи чегаралар
1.	<i>Sinanodonta orbicularis</i>	-	-	β	β	β
2.	<i>Sinanodonta gibba</i>	-	-	β	β	β
3.	<i>Sinanodonta puerorum</i>	-	-	β	β	β
4.	<i>Colletopterum bactrianum</i>	-	-	β	-	β
5.	<i>Colletopterum cyreum sogdianum</i>	-	-	β	β	β
6.	<i>Colletopterum pondersum volgense</i>			β	β	β
7.	<i>Euglesa hissarica</i>	k-	o-	-	-	k-o
8.	<i>Euglesa turkestanica</i>	-	o	-	-	o
9.	<i>Euglesa obliquata</i>	-	β	-	-	β
10.	<i>Euglesa turanica</i>	k	-	-	-	k
11.	<i>Euglesa heldreichi</i>	-	o	-	-	o
12.	<i>Kuiperipisidium politimeticum</i>	k	o	-	-	k-o
13.	<i>Kuiperipisidium terekense</i>	k	o	-	-	k-o
14.	<i>Kuiperipisidium sogdianum</i>	k	-	-	-	k
15.	<i>Kuiperipisidium Issykkulense</i>	k	o	-	-	k-o
16.	<i>Kuiperipisidium behningi</i>	-	k	-	-	k
17.	<i>Corbicula cor</i>	-	-	o	o	o
18.	<i>Corbicula purpurea</i>	-	-	o	o	o
19.	<i>Corbicula fluminalis</i>	-	-	o	α	o-α
20.	<i>Corbiculina tibetensis</i>	-	-	o	β	o-β
21.	<i>Corbiculina ferghaneensis</i>	-	-	o	β	o-β
	Жами:	6	8	11	10	

Изоҳ: К-катаробли, тоза сувда яшовчи, О-олигосапробли-ўртача ифлос, β-мезосапробли, ифлосланган, α-мезосапробли ифлос.

“Қашқадарё соҳили сув типларида (Bivalvia: Unionidae, Pisididae, Euglesidae, Corbiculidae) иккипаллали моллюскаларнинг тарқалишига абиотик омиллар таъсири” мавзусидаги докторлик (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

### ХУЛОСАЛАР

1. Қашқадарё сув ҳавзаларида иккипаллали моллюскаларнинг Unionidae, Pisididae, Euglesidae ва Corbiculidae оиласи вакилларида 6 уруғ, 19 тур ва 2 кенжа тур мавжуд бўлиб, уларнинг Қашқадарё, Яккабоғдарё, Танхоздарё, Ғузардарё ва Оксуддарё сув экотизимлари биотопларида тарқалиши, зичлиги ва экологик гуруҳлари аниқланди.

2. Қашқадарёда 12 тур ва 2 кенжа тур, Яккабоғдарёда 11 тур, Танхоздарёда 6 тур ва 1 кенжа тур, Ғузордарёда 8 тур ва 1 кенжа тур, Оқсувдарёда 6 тур тарқалганлиги аниқланди. Улардан 9 тур пелореофил, 2 тур реофил, 5 тур пелолимнофил ва 5 тур кренофил экологик гуруҳларига мансублиги аниқланди.

3. Қашқадарё соҳилида иккипаллали моллюскаларнинг биотоплар бўйича тарқалишини таҳлил қилганимизда тошлоқ биотопларда 8 та, қумлоқ биотопларда 13 та ва лойли биотопларда 9 та тур иккипаллали моллюскалар тарқалганлиги аниқланди. Тадқиқот жараёнида Қашқадарёнинг қумлоқ ва лой оқизиклари таркиби иккипаллали моллюскаларнинг ҳавзалар бўйлаб ўзаро тақсимланишида муҳим аҳамиятга эга эканлиги асосланди.

4. Кузатишларимиз натижасида Шўробсойда 6 та, Макридсойда 7 та, Оёқчисойда 9 та, Лангарсойда 5 та ва Қалқаминсойда 4 та *Euglesidae* ва *Pisididae* оиласига мансуб иккипаллали моллюскалар тарқалганлиги исботланди, ушбу турлар худуд булоқ ва чашмаларидан биринчи марта кўрсатилмоқда. Булоқ ва чашмалар сув экотизимларида *Unionidae* ва *Corbiculidae* оиласига кирувчи турлар учрамайди.

5. Қашқадарё соҳили кўлларида олиб борган кузатишларимиз натижасида кўйидаги хулосаларга келдик: Сечанкўлда 6 тур ва 1 кенжа тур, Аланкўлда 3 тур ва Ачинкўлда 5 тур ва 1 кенжа тур тарқалганлиги маълум бўлди. Қашқадарё соҳили табиий сув типларидан *Sinanodonta puerorum*, *Euglesa hissarica*, *E. turkestanica*, *Kuiperipisidium terekense*лар биз томонимиздан биринчи марта кўрсатилди ва уларнинг экологияси ўрганилди.

6. Қашқадарё сув экотизимларида кислород, нефт ва нефт маҳсулотлари, фенол, хлор ва сувнинг минераллашуви иккипаллали моллюскалар тарқалишига таъсир кўрсатувчи омиллар бўлиб ҳисобланади. Сувнинг гидрокимёвий кўрсаткичлари рухсат этилган меъёрда бўлган Чимкўрғон сув омбори яқинида 13 та тур, сувнинг гидрокимёвий кўрсаткичлари рухсат этилган меъёрдан юқори бўлган Қарши шаҳридан кейинги қисмида иккипаллали моллюскалар 4 тури тарқалганлиги ўрганилди.

7. Қашқадарё соҳилида тарқалган “Қизил китоб”га киритилган иккипаллали моллюскалар популяцияларида ёш ва зичлигига сув гидрокимёвий кўрсаткичлари абиотик омиллар сифатида ўз таъсирини кўрсатганлиги маълум бўлди. *Colletopterum bactrianum*, *Colletopterum cyreum sogdianum*, *Corbicula cor*, *Corbicula purpurea*, *Corbicula fluminalis* турлари Чимкўрғон қишлоғи худудидаги популяцияси тикланувчи популяция, Бекш–кент худудидаги популяция эса камаювчи популяция эканлиги аниқланди.

8. Қашқадарё ҳавзасида булоқ ва чашмаларда моллюскаларнинг тоза сувларда яшовчи катаробли, чашма ва булоқлардан оқиб чикувчи ариқларда катаробли ва олигосапробли, тоза ва ўртача ифлос дарёлар сув омборлари ва каналларда ўртача ифлос олигосапробли, ифлосланган мезосапробли, фақат сув омбори ва каналларда 2 та  $\alpha$ - $\beta$  ва  $o$ - $\alpha$ - $\beta$  мезосапробли ифлосроқ сувларда яшовчи турлар тарқалганлиги илмий асосланди. Қашқадарё дарёси ҳавзасидан 19 тур ва 2 кенжа тури иккипаллали моллюскалар индикатор сифатида биринчи марта кўрсатилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 02/30.04.2021.В.79.01.ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ КАРАКАЛПАКСКОМ НАУЧНО  
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ ЕСТЕСТВЕННЫХ НАУК**  

---

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ОТАКУЛОВ БЕКЗОД НУРИДДИНОВИЧ**

**ВЛИЯНИЕ АБИОТИЧЕСКИХ ФАКТОРОВ НА РАСПРОСТРАНЕНИЕ  
ДВУСТВОРЧАТЫХ МОЛЛЮСКОВ (BIVALVIA: UNIONIDAE,  
PISIDIDAE, EUGLESIDAE, CORBISULIDAE) В РАЗНЫХ ТИПАХ ВОД  
БЕРЕГА КАШКАДАРЬИ**

**03.00.10 – Экология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) биологических наук зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером В.2020.3.PhD/B491

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации доступен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета ([www.aknuk.uz](http://www.aknuk.uz)) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:** **Боймуродов Хусниддин Тошболтаевич**  
доктор биологических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Юнусов Худайназар Бекназарович**  
доктор биологических наук профессор

**Аметов Якуб Идрисович,**  
доктор биологических наук.

**Ведущая организация:** **Гулистанский государственный университет**

Защита диссертации состоится «21» 09 2021 года в 10<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.02/30.04.2021.Ped.79.01 при Каракалпакском научно-исследовательском институте естественных наук (Адрес: 230100, город Нукус, Проспект Бердаха, 41, малый конференц-зал института). Тел: (+99861) 222-17-44, (+99861) 222-96-71, факс: (+99871) 222-17-44, e-mail: [aknuk@mail.uz](mailto:aknuk@mail.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каракалпакского научно-исследовательского института естественных наук.

Автореферат диссертации разослан «8» 09 2021 года  
(Реестр протокола рассылки № 16 от «8» 09 2021 года).



**Аимбетов Нагмет Каллиевич**  
Председатель Ученого совета по присуждению ученых степеней, Академик.

**Утемуратова Гулширин Нажиматдиновна**  
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, PhD б.н.

**Жумамуратов Мырзамурат Ажимуратович**  
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней д.б.н.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мировых малакалогических исследованиях большое внимание уделяется определению биологического разнообразия естественных и искусственных водоемов и оценке уровня трансформации моллюсков в районах с сильным антропогенным воздействием, инвентаризации моллюсков распространённых в водных экосистемах, выявлению перспективных видов, а также их производству и использованию. В этой сфере состояние малакафауны водных экосистем разных континентов, их распространение в природно-географических районах и распределение в зависимости от особенностей водных экосистем, а также разработка мероприятий по сохранению редких и исчезающих видов имеет важное значение.

В мире проводятся обширные исследования видового состава и распространения, систематики и охраны двустворчатых моллюсков, протекающих в результате изменения мирового климата, процессов изменения природных водных экосистем, в частности, речных и водных экосистем, под воздействием антропогенных и экологических факторов. В связи с этим важными приоритетами являются изучения биоразнообразия естественных водоемов, перепись видового состава фауны, определение их современного состояния, сохранение видового состава моллюсков, анализ состояния моллюсков пресноводных водоёмов, в том числе популяций двустворчатых моллюсков и их выживаемость напрямую связанных с воздействием факторов окружающей среды, определение территориального разнообразия, таксономической структуры двустворчатых моллюсков и признаков их изменчивости, особенности их распространения в зависимости от водоемов, эффективное использование водоемов и использование научно обоснованных методов предотвращения уменьшения моллюсков.

В Республике на основе принятых программных мероприятий по изучению и сохранению биоразнообразия естественных водоемов, достигаются определенные научные результаты по определению современного видового состава двустворчатых моллюсков семейств Unionidae, Pisididae, Euglesidae и Corbisulidae в водных экосистемах Кашкадарьи, определению разнообразия перспективных моллюсков в результате воздействия абиотических факторов, созданию коллекции и внедрения в практику использования двустворчатых моллюсков в очистке сточных вод. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан<sup>4</sup> определены задачи по “...предотвращение проблем, наносящих вред состоянию окружающей среды, развитие сети ирригационных объектов”. Исходя из этих задач, изучение двустворчатых моллюсков побережья Кашкадарьи, таксономический анализ, обоснование изменений их в различных течениях и сезонах под действием факторов окружающей среды, а также оценка эколого-санитарного состояния речной воды с помощью

---

<sup>4</sup> Указ Президента Республики Узбекистан № ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

индикаторно-сапрофитных видов имеет большое научное и практическое значение.

Диссертационное исследование в определенной мере служит осуществлению задач, определенных Указом Президента Республики Узбекистан УП – 4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию республики Узбекистан», а также Постановлением Президента Республики Узбекистан ПП №-3286 от 25 сентября 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы охраны водных объектов», Законом Республики Узбекистан от 19 сентября 2016 года №408 «Об охране и использовании животного мира» и другими нормативно-правовыми актами, связанными с данной деятельностью.

**Соответствие исследований основным ведущим направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

**Степень изученности проблемы.** В нашей Республике недостаточно сведений о морфологии, распространении и ресурсах двустворчатых моллюсков в различных водоемах. Данные об этом отражены только в исследованиях З.И. Иззатуллаева (1992, 2010, 2018, 2019), Х.Т. Боймуродова (2009, 2012, 2017, 2019), в которых можно найти сведения лишь об определенных видах в некоторых водоемах Узбекистана.

В странах Содружества Независимых государств (СНГ) научные исследования по определению территориального разнообразия, таксономической структуры и признаков изменчивости двустворчатых моллюсков можно увидеть в работах В.В.Богатова, Я.И.Старобогатова (2004), В.В.Богатова (2014), Н.И. Андреева и др. (2009), Panov V.F., et. al. (2009), М.О. Сон (2009), Л.Н. Янович (2013); некоторые исследования по определению значения двухстворчатых моллюсков в определении уровня загрязнения воды - в работах А.Л. Рижинашвили (2009), Синтюрина А.В., Бигалиева А.Б. (2009), Д.В. Кузменкина (2015).

